ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ТАЪЛИМ: КАДРЛАР СОҲАСИДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ю.С.Жаҳонгиров

Мақолада Ўзбекистон Республикасида диний таълим-тарбия соҳасида мустақиллик йилларида олиб борилаётган ишлар ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бориши тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *дин, ислом, диний бағрикенглик, виждон эркинлиги, диний конфессиялар, масжид, мадраса.*

В статье проанализированы проведенные реформы в сфере религиозного образования и воспитания в годы независимости в Республике Узбекистан

Ключевые слова: *религия, ислам, религиозная толерантность, свобода совести, религиозные конфессии, мечеть, медресе.*

The article investigates the progress of large-scale performs in the field of religious education in the Republic of Uzbekistan during the years of Independence.

Key words: *religion, islam, tolerance, freedom of conscience, religious confession, mosque, madrasah.*

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб виждон эркинлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилди. Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки даврдан диний соҳага ўзбек халқи миллий маънавиятининг ажралмас қисми сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Истиқлол йиллари диннинг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятида тутган ўрни ва мавқеи аниқ белгиланиб, бу соҳада мустаҳкам қонунчилик пойдевори яратилди.

Муқаддас ислом динининг жаҳондаги ва юртимиздаги ўрни ҳақида сўз кетар экан, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев нуфузли ташкилот минбаридан туриб «Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз» деганини, ислом дини «эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга» даъват этишини қайд этганини [1.1] алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугун мамалакатда диний таълим соҳасини тадқиқ этишга кенг имкониятлар эшиги очилди. Мустақиллик даврида ислом таълим тизимига оид тадқиқотлар яратилиб, диний қадриятларни тиклаш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Бироқ совет даври тарихшунослигида мусулмон мактаб, қорихона, мадрасалари асоссиз равишда жаҳолат ва хурофот ўчоғи деб айбланган [2.4]. Собиқ Совет Иттифоқи Конституциясида эътиқод эркинлиги эътироф этилган бўлса-да, амалда жамиятга даҳрийлик мафкураси зўрлаб сингдирилиб, диндорларнинг ҳуқуқлари поймол этилди. Даҳрийлик сиёсати диний ташкилотлар фаолиятига сунъий тўсиқлар яратиш, фуқароларнинг ҳатто маиший даражада диний амалларни бажаришларини кескин қоралаш каби шаклларда кечиб, амалда виждон эркинлиги жиддий равишда чекланганди. 1980-йилларда Ўзбекистонда мусулмонларнинг диний эътиқодларини бажариш учун 80 та масжид фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 16 диний конфессияга мансуб 2 238 диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улардан 2064 таси исломий, 157 таси христиан, 8 таси яҳудий, 6 таси баҳоий жамоалари, биттадан Кришнани англаш жамияти ва Будда ибодатхонасидир. Булардан ташқари, Имом Бухорий халқаро маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази, шу жумладан, конфессияларо Библия жамияти ҳам фаолият юритмоқда [3].

Бугун дунёда бўлаётган мафкуравий курашлар, жаҳонда кечаётган турли террористик хуружлар, дин ниқоби остида қилинаётган экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга қарши маърифий йўлни янада кучайтириш, шунингдек, аҳоли орасида муқаддас ислом динининг асл моҳияти ва ғояларини мазмунан кенг тушунтириш, юртимиздан етишиб чиққан буюк муҳаддислар, қомусий олимлар илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ минбаридан туриб, **«маърифат ва диний бағрикенглик»** тўғрисидаги резолюцияни қабул қилишни таклиф этди [4.1].

Тарихдан маълумки, бизнинг минтақамиз, авваламбор, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида азим пойтахт Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказининг барпо этилгани, Ислом Академияси очилиб, ўз фаолиятини бошлагани чинакам маънода соҳа ривожида янгича ёндашувни бошлаб берди.

Айниқса, республикада мавжуд динлар орасида ислом дини ўзига хос мавқега эга. Хусусан, ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолиси сони 32 млн.дан ошган бўлиб, улар 136 дан зиёд миллатга мансуб ҳисобланади. Фуқароларнинг 94% дан зиёди ислом динига эътиқод қилади. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ислом Академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида келтирилишича, ...»Айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган замон муқаддас

ислом дини аҳкомларини нотўғри талқин қилиш, уларни сохталаштириш йўли билан турли фитна ва бузғунчиликлар содир этилаётгани динимизнинг софлигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварликдан иборат асл моҳиятини жамият аъзолари ва айниқса, ёшларга етказишга қодир, юқори даражада илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилмоқда» [4.4].

Шунингдек, 2018 йилнинг 16 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5416 сонли «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Фармони айнан диний таълим соҳасида янги даврни бошлаб, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини ошириш билан биргаликда, соҳага оид тизимни янада такомиллаштириш учун долзарб вазифалар белгилаб берди.

Бугун мамлакатда ушбу соҳада етук кадрларни тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий халқаро ҳадис илми маркази, 2 та хотин-қизларга ихтисослашган Бухородаги Жўйбари Калон ва Тошкент шаҳридаги Ҳадичаи Кубро ўрта махсус билим юртлари, 7 та ўрта махсус ислом билим юртлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатдаги энг муҳим ўзгаришлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ўзбекистон Ислом академияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро Ислом академиясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Ушбу ўқув даргоҳларида замонамизнинг етук олимлари, ўз соҳасининг йирик мутахассислари, ёш педагоглар машғулотларни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил қилиб келмоқдалар.

Бугун жамиятда фуқароларимизнинг диний соҳадаги саводини чиқаришда, уларга ислом динининг асл моҳиятини тушунтиришда мамлакатда фаолият юритаётган масжид имом-хатибларининг билим тажрибаси ва ўрни жуда муҳимдир. Шу мақсадда Самарқанддаги Имом ал-Бухорий номидаги Халқаро марказда 2017 йилнинг 1-ярми давомида республикада фаолият кўрсатаётган имом-хатиблар учун ўқув машғулотларнинг 2-давраси фаолиятини бошлади. Таъкидлаш жоизки, мазкур ўқув муассасаси доимий равишда амалга ошириладиган, имом-хатибларнинг дунёда рўй бераётган воқелик ҳамда турли жараёнлардан бохабар бўлиб боришлари учун қулай замин яратади. Ушбу нуфузли даргоҳда имом-хатибларга дарс бераётган устоз-домлалар республикада турли соҳаларда етакчилик қилаётган олимлар, дин ва давлат арбоблари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1992 йил 7 март кунидаги Фармони билан ҳар бир шахснинг виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, тенглигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилган бўлиб, у соҳа тизимини мувофиқлаштириш ва ривожлантиришда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда Конституциямиз, амалдаги қонунларимиз ва миллий-диний қадриятларимизга монанд равишда, шунингдек, янги қабул қилинаётган қарор ва фармонлар асосида мамлакатимизда давлат ва дин муносабатлари қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний ташкилотларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик.

Шуни яна бир карра таъкидлаш лозимки, янги қабул қилинган ПФ-5416 сонли фармон соҳа раҳбарияти, ходимлари, зиёлилар, олимлар, имом домлалар, ёш тадқиқотчилар, маҳалладаги тажрибали оқсоқоллар, отинойилар, диншунослик фани ўқитувчилари зиммасига қуйидаги вазифаларни қўймоқда.

- «жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик, инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;
- ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш;
- динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш;
- жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш;
- диний-маърифий ташкилотларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;
- глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омил-

ларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш;

- диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш [5].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакат барқарорлиги, унинг осойишталиги, ёшларнинг маърифатли бўлиши, оқ-қорани таниб вояга етишида муқаддас ислом динининг ўрни беқиёсдир. Шундай экан, мазкур хайрли ишларни бажаришда ўзбек заминидан етишиб чиққан алломалар меросини жаҳонга танитиш, уларга муносиб ворисларни тарбиялашдек шарафли ишни зиммасига олган етук кадрлар масаласи бугун, қолверса, эртанги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. / Халқ сўзи. – 2017. - 20 сентябрь.

2. Алимов И. Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи.- Т.: Фан, 2017.

3. Қаранг: http://www.religions.uz/cyrl/news/view?id=572

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Ислом Академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. // Бобур ва дунё. - 2017.- №3.- Б.4

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» // http//www. lex.uz

Андижон давлат университети,
2018 йил 19 майда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. О.Комилов)